

## КАВСАР ТУРДИЕВА ИЖОДИДАГИ ПРЕЦЕДЕНТ БИРЛИК ХУСУСИДА

**Д.М.Юлдашева**

ФарДУ доценти

**Ё.Б.Холматова**

ФарДУ ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада прецедент бирликларнинг лингвомаданий бирлик сифатида тадқиқ этилиши ҳамда Кавсар Турдиеванинг ижодидаги прецедент бирлик таҳлилга тортилган.*

**Таянч атамалар:** прецедент бирликлар, лингвомаданият, прецедентлик феномению.

Прецедент бирликлар лингвомаданий бирлик сифатида тадқиқ этилади. Рус тилишунослигида прецедент бирликлар Ю.Н.Караулов, Д.В.Багаева, О.С.Боярских, С.В.Банникова, Ю.А.Блинова, О.А.Ворожцова, Д.Б.Гудков, И.П.Зырянова, М.Ю.Илюшкина, Е.Ф.Косиченко, С.Л.Кушнерук, Е.А.Нахимова, Н.М.Орлова, Ю.Б.Пикулева, Г.Г.Сергеевалар томонидан ўрганилди. Прецедент ном “Лингвистик энциклопедик луғат”да қуйидагича изоҳланади: прецедент (лат.praecedens – олдинда юрувчи, олдинги) – олдин, ўтмишда содир бўлиб, шу кўринишдаги кейинги бирликларга намуна ёки оқловчи далил бўлиб хизмат қилувчи бирлик.

1984 йилда нашр қилинган икки томли “Русча-ўзбекча луғат”да “прецедент” терминига қуйидагича таъриф берилган: “Прецедент м.книж.(ўзидан кейин содир бўладиган худди шу турдаги воқеаларга намуна, ўрнак бўла оладиган воқеа, ҳодиса): ўхшащ, тенг, случай, не имеющий – прецеденти (ўхшаши, тенги) бўлмаган ҳолат; установить – прецедентни белгиламок (ўтмишда худди шундай воқеа ёки ҳодиса бўлганини аниқламоқ); судебный – юр.суд прецеденти.<sup>1</sup>” Прецедент атамаси суд-хуқуқ соҳасида аввал қўлланилган бўлса-да, ҳозир нофаол атама саналади. Ҳозирда мазкур атама ижтимоий соҳада кенг фойдаланилмоқда.

<sup>1</sup> Русча-ўзбекча луғат. II том. – Т.:1984. – Б.195.

Д.Худойберганова прецедент бирликларни тадқиқ этиб, мазкур атама биринчи бор Ю.Н.Караулов томонидан тилшунослик илмида қўллаганигини, прецедент бирликлар лингвомаданиятнинг ноёб ҳодисаси эканлиги, чунки сўз маъноси ва маданий мазмун ўзаро зич алоқаси, бирикувидан ҳосил бўлган, семантикасида маданий ахборот устунлиги яққол намоён бўлувчи тил бирликлари лингвомаданий бирлик сифатида олинганини таъкидлайди<sup>1</sup>. Рус тилшунослигида маданий ва моддий қадриятлар тарзида муайян тил соҳибларига маълум бўлган ва ҳаётий вазиятларда уларнинг лисоний хотирасида тикланадиган, нутқий жараёнда тез-тез қўлланиладиган, мурожаатдаги шахс номлари, турғун бирикмалар, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар деб қайд этилади<sup>2</sup>.

Е.А.Нахимова прецедентлик феномени миллатнинг онгида абстракт ҳолда сақланувчи тизим сифатида баҳолайди<sup>3</sup>. Қуйида шоира Кавсар Турдиеванинг ижодидаги прецедент бирликка мурожаат қиласак бўлади.

*Менда сира сўлмас гуллар,  
Күшлар яйрап чаманда.  
Қизлар эса қўғирчогин  
Исмин қўяр **Саманта**.  
Ватанимнинг барча-барча  
Кўчасида ўзимман  
Номим тинчлик бўлганидан,  
Мағрурдирман ўзим ҳам.  
(К.Турдиева. Тинчлик кўчаси)*

Шоира Кавсар Турдиева “Обод махаллам қўчалари” туркумидан “Тинчлик кўчаси” номли шеърида Саманта исмини келтиради. Шеърдаги прецедент номини тушуниш учун ундаги тарихий воқеликни билиши лозим. Саманта Рид Смит Америка Қўшма Штатлари фуқароси бўлган. У 1972 йил 29 июнда АҚШларининг Мэн штатида туғилган. 1982 йили 10 ёшида Собиқ Иттифоқнинг бош секретари Юрий Андроповга тинчлик мактубини йўллайди, унда “Нима учун мамлакатингиз ядро урушини бошламоқчи?” деган савол берилган эди. Шунда тинчликсевар мамлакатни кўрсатиш учун 1983 йил Самантага давлат раҳбаридан таклифнома келади ҳамда пойтахт шаҳарларида ва болалар

<sup>1</sup> Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқики. – Тошкент: Фан, 2013; Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик тадқики: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015.

<sup>2</sup> Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация. Вып. 2. – М.: “Филология”, 1997. – С. 5-12; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Маслова В. Лингвокультурология: Учебное пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.

<sup>3</sup> Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // [http://www.philology.ru/linguistics/2/nahimova\\_07.htm](http://www.philology.ru/linguistics/2/nahimova_07.htm)

оромгоҳида бўлади. Саёҳатдан сўнг ташриф таассуротлари ҳақида китоб ёзади. 1983 йили Япония ташрифидан сўнг АҚШнинг Оберн-Льюистон аэропотида ҳалокатга учрайди. Матнда Саманта исмли қизалоқнинг ҳозирда тил эгалари хотирасида мавжуд бўлиши, машҳурлиги, тинчлик сўзининг рамзий ифодаси эканлиги прецедент номининг хусусиятини билдиради. Бунда матннинг реципиент томонида тўла идрок этилиши учун унда муайян билимларни талаб этади. Маълумки, машҳур матнлар ёки вазиятлар билан боғлиқ бўлган номлар, шунингдек, муайян сифатларнинг намунавий йиғиндисига ишора қилувчи рамзий номлар прецедент номлар хисобланади.

Бу прецедент номлар моҳиятан кўп қиррали ва кўп вазифали лингвомаданий бирликлар эканлигидан далолат беради. Мазкур бирликлар экспрессив, рамзий, коннотатив функцияларга эга лингвокультурологик бирлик бўлиб, у маданий маълумотларни узатишга ёрдам беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013; Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015.
2. Юлдашева Д.М. Ўзбек болаларига хос оғзаки ва ёзма матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол.фан. д-ри. дисс. – Фарғона, 2022.